

Раҳматулла Худойбердиев

**УМР
ЎГИТЛАРИ**

Қарши
“Насаф” нашриёти
2006

84(59)6-5 УЗБ. 82Д, 232Б.

Шеърлар

Инсон умри сир-синоатларга бойлиги билан гўзалдир. Синоат эса ганжина. У яшаш, англаш баробарида ўзини намоён эта бошлайди. Ана шу англаб етиш асносида туғилган фикрлар мажмуаси қўлингизда.


Ўйлаймизки, тўпламдаги ушбу битиклар Сизни безътибор колдирмайди.

Ю-32368/101

X $\frac{4702620202-14}{376(04)2006}$ 14-2006

© Р.Худойбердиев, 2006 й.

ISBN 5-7323-0509-8



Халол меҳнат қилганнинг ҳар доим
омади ёр,
Қинғир йўлга кирганнинг оқибати
бўлар хор.
Элга қилсанг хизматни бўлмагайсан
сен ночор,
Нопок йўлни тутганлар халқ олдида
гуноҳкор.

Соғлиқ берди Тангрим сенга, энг
аввало, шукур қил,
Тушмай десанг танг аҳволга, пухта
ўйлаб фикр қил.
Ҳою.-ҳавас ўткинчидир, вақт гўёки
ўт - чақмоқ,
Ёмонликдан йироқ бўлгил, яхши сўзни
зикр қил.

Текинтомоқ кеча-кундуз сафо қилур,
Нокаслари вақти келиб жафо қилур,
Эл назари бир кун уни хафа қилур,
Яхшилар бир-бирига вафо қилур.

Аслида камолот ҳалол меҳнатинг
экан,
Ҳар доим излаб чеккан заҳматинг
экан,
Халқингга етказган мурувватинг
экан,
Бу дунёда яратган боғу равоатинг
экан.

Дунё ишлари сиёсий ўйин,
Бошингни қотирма, тушунмиш қийин.
Тўғри бўл, ҳақ сўздан товлама бўйин,
Меҳнат қил, доимо вазифанг тайин.

Одам умри соат сайин ўтиб борар,
Қазо етса, ёш сўрамай кетиб борар.
Ҳар сониянг ганимат бил, азиз
дўстлар.
Хабар бермай бир кун сенга етиб
борар.

Одат қил, яхши сўз тилингдан келса,
Сўқирни етакла, йўлингдан келса,
Кўксингни оч, мардум, элингдан
келса,
Яхшилик қил доимо кўлингдан
келса.

Ўшатдим жаҳонни туманли кунга,
Бемақсад яшашни қоронғу тунга,
Умид-ла яшашни одат айласанг,
Албатта, етурсан ишонгин шунга.

Мўъжизадир ҳаётда, ақл ила
фаросат,
У бор жойда, албатта, бўлур ҳар хил
каромат.
Дариг тутмагин, тангрим, у бир
ноёб фазилат,
Иккаласи бирлашса, элда бўлур
адолат.

Кетмасин қўлингдан молу давлатинг,
Бирга кетажасқдир шону шавкатинг,
Қочгайлар қариндош, ҳар хил
танишинг,
Ҳеч кимга ёқмагай сенинг савлатинг.

Унутма, бойликдир тинчлик ва
соғлик,
Донолар тушунгай нечоғ ардоқлик.
Асрангиз, яхшилар, тинчликни ҳар
дам,
Бу, албатта, сизу бизларга боғлиқ.

Бўлма ҳеч ҳам дилозору ситамкор,
На қилсанг, албатта, жавоби
қайтар.
Дўст орттир, жаҳонда, юрмагил
бекор,
Яхши дўст бир кун кунингга ярар.

Қилмагил, элингга фитнаю ҳасад,
Уйгонур, орангда кучли адоват.
Ҳасадгўйнинг илдизидир жаҳолат,
Элтар мақсадига покиза ният.

Ишонмагил дўстингга, гар бўлмаса
садоқат,
У бойлик бойлик эмас, эл кўрмаса
манфаат.
Синамай дўстлашганлар бир кун
чекар надомат,
Дўстинг душманлик қилса, билгилки,
у қабоҳат.

Чигал экан замона, ҳеч сирин
билолмадим,
Тирикчилик ғамида хўб тоат
қилолмадим.
Бисёр бўлса гуноҳим, шафоат қил
машҳарда.
Яхшилар насиҳатин қалбимга
сололмадим.

*Зар билан ҳам битмагай қулаган обрӯ
мансаб,
Қирқ йилда ҳам чиқади қингир
ишнинг қийиғи.*

*Англадим, бу олам сирларга бойдир,
Зулматни ёритган чарогон ойдир.
Ҳаёт қувонч билан ташвишга мойил,
Азалдир бу тунроқ бахт учун
жойдир.*

*Пухта биз, шундайин ситамкор
замон,
Тақдир ўйинлари тўхтамас ҳеч он.
Унутма Оллоҳнинг номини ҳаргиз,
Недан тиши синар, билмагай инсон!*

*Кўп экан оламда яхшию ёмон,
Сақлагин, ёмонлар дастидан омон.
Билгувчи Оллоҳдир инсон қисматин,
Ким қанча яшашин билиш гумон.*

Муҳаббат ниҳолин қалбларга қада,
Токи сендан қолсин фақат мангу эт.
Жаҳон холи эмас нокас кимсадан,
Унинг фасодлари келтиргай офат.

Бобо қуёш нуридан очилиб яшнагай
гул,
Доноларнинг сўзидан баҳра
олгувчидир дил.
Умр оқар дарёдир, уни қайтариб
бўлмас,
Илму ҳунарга интил, ўтиб кетар
куну йил.

Комил инсон бўлмоқ экан ниятинг,
Мужассам бўлсин номус-уятинг.
Четлаб ўт гаразу бахилликнинг
ёнидан,
Оқибатни устун этсин ҳаётинг.

Бўлмас экан уригингда донишманду
яхши бош,
Нафс дебон ёв бўлади, бир-бирига
қариндош.
Молу-дунёнг бисёр бўлса, соянгга
салом берар,
Иложини топган кун, паналатиб
отар тош.

Яратдинг, шлоҳим, қулингни хор
айлама,
Нокасу номардларга зинҳор зор
айлама.
Кўпайсин кенг жаҳонда меҳр-
мурувват ва, севги
Хасису ножинс яна ношудни бисёр
айлама.

Отган ўқим мўлжал қолиб тошга
тегди,
Насиҳатим эга топмай, таёқ бўлиб,
бошга тегди.

Дуст деганим душман бўлди, зиё
излаб тунга қолди,
Хушомадгўй, ҳасадгўйлар кучук
бўлиб ошга тегди.

Ҳис этар яхшию ёмонни кунгил,
Доно сўз тингласанг, яйрайди ҳар
дил.
Инсон ҳар дам адашар буни пухта
бил,
Эҳтиёт бўл, ҳал этар тақдирни
суяксиз тил.

Боймен деб кеккайма, оёгинг остига
қара,
Ҳар недур ўтқинчи, билмасанг,
билгандан сўра.
Яхшилик, саховат, мурувват
шиоринг бўлсин,
Шум фалак бир урса, бир кун
бўлурсан бечора.

Сахий қуёш нуридан очилади гул-
майса,
Доноларнинг суҳбати жонга оро
беражасак.
Умр оқар дарёдир тўхтатиб бўлмас
уни,
Ҳар қилинган гуноҳга жазо олурсан
бешасак.

Зоедир бир нодонга бод-бод ваъз
ўқимоғинг,
Бекор ҳар бир насиҳат, ёмон йўлдан
қайтармоқ,
Донишлар дебдур ахир, шундайин бир
ҳикматда,
Фойдасиз ёзоч боглаб итнинг думин
ростламоқ.

Бахт шудир, танангда бўлсин гар
соғлиқ,
Бойлик ва камолот ҳам шунга
боғлиқ.

*Хасталик кулфатдур, умрга доғлик,
Тушунгай донолар буни нечоглик.*

*Аҳиллик учган ҳар макон, жойда
Энг нокас душман бўлади пайдо.
Йўқ бўлур меҳр-оқибат бари,
Сўнгги пушаймон бўлар бефойда.*

*Камолга етаклар, бил, адабиёт,
Жаҳон сирин англар: қанақа ҳаёт.
Бесамар ўткарма, бир лаҳза умринг,
Ўқимоқ, ўрганмоқ инсонга қанот.*

*Бир кам экан бу дунё, молу пул деб
зикр қилдим,
Бири келса, бири кетди, тушунолмай
фикр қилдим.
Ўйлаб кўрсам, шундай экан турфа
олам, ҳамиша
Тақдир экан, яхши-ёмон оллоҳдан
деб шукр қилдим.*

ИСТИҚЛОЛ ҲАКИДА

*Истиқлол ҳур абадийдур,
Бўлсанг агар ишбилармон.
Юрсанг агар сен гафлатда,
Бир умрга бўлар армон.*

*Хурсанд бўлди турфа ёшлар
Эркинликнинг қучоғида,
Сидқи дилдан ўқимоқда
Маърифатнинг ўчоғида.*

*Азоб чекди турғунликда,
Ҳақиқатни куйлаганлар,
Мазза қилиб яшадилар
Ёлгон - яшиқ сўйлаганлар.*

*Ростин десам у замонда,
Буйруқбозлик ҳукм сурди.
Ўқимаган бойваччалар
Кошонадек макон қурди.*

*Рўзгорини зўрга боқди
Меҳнат қилган деҳқон онам.
Арз-аҳволин тингламасди,
“Волга” минган очкўз ҳакам.*

*Тўзри йўлни танлаганмиз,
Катта кичик азизларим.
Термоқдадир тикан тошин
Хур фикрли ватандошим.*

ВАТАН ҲАҚИДА

Томирингда оқмоқда Жайхуну
Сайхундан қон,
Сахий қуёш нурун тўкиб яшнатар
танинг..
Минг йиллик тарихинг у хайрлидир
эл аро,
Пок ниятлisan, таралсин жаҳонга
шуҳрат шонинг.

Мозийда аталди номинг, Туркистон,
Қуёшинг сахийдир, еринг гулистон.
Жаҳон минбарида ўз ўрнинг бордир,
Абадий, яшнайвер ҳур, Ўзбекистон.

Яшаш-чун керакдир шундай бир
одам,
Бўлсин тилингда яхши сўз, дилингда
ҳикмат
Кўрсатгил қариндош дўстларга
меҳр - оқибат,
Шунда сени тарк этмас бахту
саодат.

*Нафинг тегсин элга, топ мангу
роҳат.*

*Тинчлик ва соғлик тенгсиз бир
неъмат,
Оллоҳим берса гар шу билан омад.
Ҳаром ва риёдан сақласанг ўзинг,
Инсонга бўлмагай ортиқ камолот.*

ИЛҲОМ КЕЛАР

*Халал берди эгри замон,
Умр ўтди тоғу тошда.
Хизмат қилдим халқим учун,
Шеър ёзмасдан аввал бошда.
Мустақиллик кўёшидан,
Илҳом келар эллик ёшда.*

*Унутмангиз биродарлар,
Одамийлик яхши нарса.
Виждонини еб қўйганлар.
Олиб қўяр пора берса.*

*Табиатдан нолимангиз,
У ҳамиша барқарордир.
Нокасларни дўст тутмангиз,
Палакатга олиб борур.*

*Одам бўлсанг, эй биродар,
Халқ мулкани туя қилма.*

*Хабардордир тангри доим,
Нопок жойни уя қилма.*

*Ўйлаб кўрсанг, эй халойиқ,
Авваламбор соғлик керак.
Улуғликни ният қилсанг,
Баъдаз сенга поклик керак.*

*Ўтиб кетар бу фоний дунё,
Дилда қолар қанча армон зам.
Ёшлик чоғи меҳнат қилмасанг,
Фойда бермас дору дармон ҳам.*

**Б У Ю К Ғ А Л А Б А Н И Н Г
Э Л Л И К Й И Л Л И Г И
Ҳ А Қ И Д А**

*Гўзалдир оламда урушсиз жаҳон,
Муқаддас билингиз азиздир ватан.
Қўл очинг дуога аҳли мусулмон,
То абад яшасин, гул Ўзбекистон.*

*Не-не мардлар ватан учун жанг
қилди,
Боболарин ҳокин асраб-авайлаб.
Зафарларни олиб келди аҳиллик,
Газандалар доғда қолди ўқ шайлаб.*

НОН ҲАҚИДА

Мавжудотлар улуғи, билгил, ҳазрати
инсон,
Оламда яшамоқда сон-саноксиз
тирик жон,
Бир ҳоқон, бири дехқон, биридир
соҳиби кон,
Барчага ҳаёт берган улуғ нон,
азиздур нон.

Тонг саҳарда муаззин айтади азон,
Куни билан ошпазлар қайнатур
қозон,
Этикдўз сабр-ла ўтказур сўзон,
Барчасини яшатган азиз нон, шу
улуғ нон.

Ё Ш Л А Р Г А Н А С И Х А Т

*Насиҳатим, нуридийдам, билиб ол,
Аввал бошда, ҳақ сўзига қулоқ сол.
Бўлиб қолсанг, эл улусга оқсоқол,
Нафсни енгил, оллоҳ берар бахт
иқбол.*

*Эъозлагил она ила сингилни, у
тиловчи муштинар,
Ота-она омонатдир, сандин бошқа
кими бор,
Канда қилмай ҳар доим сен ҳолидан
ол хабар
Билиб қўйгил, тугишганлар бир
бирига мўътабар.*

*Ота-она ягонадир иккиси ҳам
топилмас,
Иккаласин ҳурмат қилган ҳаётда
қоқилмас.
Ақл деган ибора бор мол дунёга
сотилмас.*

Гавҳарни хафа қилган мақсадига
етолмас.
Ака-ука қариндош, барчаси битта
танда.
Тўғри сўзни тушунмай аразламагин
яна.

Ҳасад қилма яхшиларга ҳавас
қилгил,
Камолотга эришасан аниқ билгил,
Улуғларнинг суҳбатида бўлиб
тургил,
Насиҳату ўғит тинглаб доно бўлгил.

Касб айланг, эй ёшлар, бу жаҳонда
яхшилик,
Ота-она, дўстларга ҳадя айланг
яхшилик.
Мусофиру мискинларга қилгин
мудом яхшилик,
Дўст бўлади душманинг ҳам гар
қилсанг яхшилик.

К Ў Р Д И М

*Ҳалол меҳнат қилганинг обрў
топганин кўрдим,
Қинғир йўлга кирганинг ҳар ён
чопаганин кўрдим,
Касб ҳунар ўрганиб бахтин
топганин кўрдим,
Кунни бекор ўтказиб бенаво
бўлганин кўрдим.*

*Ота-она пандин еб ўниб-ўсганин
кўрдим,
Ўз аслини менсимай юзин тўсганин
кўрдим,
Хушфеъл ва камтариннинг камол
топганин кўрдим,
Кўпол ҳамда манманнинг тўнка
чопаганин кўрдим.*

Ўз устида изланиб жумбоқ ечганни
кўрдим,
Уйқудан бош кўтармай дўстдан
кечганни кўрдим,
Қиш гамини ёзда еб ҳузурланганни
кўрдим,
Ёзда лаққиллаб юриб озорланганни
кўрдим.

Борини тежаб - тергаб бой
бўлганларни кўрдим,
Бор давлатни тепкилаб хор
бўлганларни кўрдим,
Бир умр тинчимасдан бог яратганни
кўрдим,
Фисқу-фижур касб айлаб, доғ
таратганни кўрдим.

Мансабни сотиб олиб, таъма
қилганни кўрдим,
Бу кунингдан ўлгин деб шама
қилганни кўрдим

Ҳақиқат бўлса гар инсонлар иши,
Ҳар недин бўлмасди улар ташвиши.
Ҳаловат беради, эзгу пок ният,
Бўлмайди одамлар дили огриши.

Оширмоқ истасанг фарзанд
қимматин,
Уқтиргил ҳаётнинг фарзу-суннатин.
Бу дунёда инсон, машҳарда Оллоҳ,
Қадрлар, шубҳасиз, расул умматин.
Одамзот қалбида гар бўлса орзу,
Баъзисин ҳал этар, якка бир ўзи.
Кенгашигил дўст билан ҳамиша, ҳар
он,
Ҳар ерда бор зрур, тошу тарози.

Яратмасин худойим. бу дунёда
ахмоқни,
Катта йўлга сизмайди, кўзи кўрмас
сўқмоқни.
Қилган иши тесқари, оқибатин
ўйламас.

*Сир сақлашни билмайди,
кўрсатмасанг тўқмоқни.*

*Кўп ёшларнинг наздида умр боқий
туюлур,
Тезда ўтар ҳаёти, инсон қариб
қуюлур.
Адашмангиз, азизлар, ҳаёт мисли
чақмоқдир,
Мангулик одамзодга қилган яхши
амалдир.*

*Меҳнат-ла топганинг бўлади ҳалол,
Орланма, сўрагил ҳунар билиб ол.
Номард танасига дучор бўлмассан,
Ризқинг бутундир етар бемалол.*

*Эзгуликнинг калити илм билан
ҳаракат,
Оилада аҳиллик, давлатингга
баракат.*

Хунар билан илмли бўлмагайдир
кароҳат,
Йўқчиликнинг гамида дили топмас
жароҳат.

Ёмоннинг мақсади доимо бузмоқ,
Яхшилар қалбига зулм етказмоқ.
Яхшининг хунари синиқни тузмоқ,
Эргашган кимсанинг йўли ялтироқ.

Егулигинг, кийгулигинг бўлса, шунга
шукур қил.
Кўзинг оч-да, элга қараб ўйла мудом,
фикр қил.
Гар йиғсанг-да, дунё молин ҳам
зарин, зеварини,
Бевафодир барчаси, дунё бир кам,
пухта бил.

Дўст бўлмагай, одамзотга кибру
ҳаво,
Ҳаддан ошган, топмагай ҳеч бир
даво.

Адолат, эзгулик яхшилар иши,
Ёвузлик эса ёмон қилмиши.
Экканини ўрар инсон боласи,
Ҳамиша шундайдир фалак гардиши.

Не сабаб оллоҳим оромим буздинг,
Омад деб аталмиш риштани уздинг.
Ёқмади шекилли қилган амалим,
Манзилга етмасдан йўлимни буздинг.

Умид-ла қургандим ушбу бинони,
Тарк этгим келади кулбахонани.
Ёстигим хор тикан, таомим оғу,
Рози қилмадимми ота-онани.

Келибди ҳаётга оқ билан қора,
Қорани ўзгартмоққа топилмас чора.
Йиғ эсингни, дилингни қилмагин пора,
Келганлар ўтиб кетмиш оввора.

Элда бор шундайин бир нақл,
Насиҳат қабулмас, қайсару жоҳил,
Бу ишлар нечоглик чигал бўлмасин
Ҳал этар мушкулни ҳамиша ақл.

Ахмоқ билан йўлдош бўлсанг, аро
йўлда қолдирар,
Доно билан бирга бўлсанг, каму
кўстинг тўлдирар.
Дўст танлашда адашмагин, обдон
уйлаб фикр қил,
Нокас, ножинс нафси-чун биродарин
ўлдирар.

Ўз йўлидан адашмагай, ҳулкар билан
Тарози,
Яхшига ҳасад қилгай одамзоднинг
марази.
Нафс дебон асло қилма, инсонларни
норози,
Икки дунёнинг куйгай, бўлса ота-она
норози.

Айирмагил яхшиларнинг суҳбатидан,
Ўзинг сақла, нокасларнинг
туҳматидан,
Бу дунёдан қутулмассан, тирикчилик
заҳматидан,
Насиб айла, парвардигор, ҳақтаоло
раҳматидан.

Замондан ўқидим, шундай бир баёт,
Абадий эмасдир, ўткинчи ҳаёт.
Амал қил, қуръону ҳадисга, эй зот,
Шундайин фикрга келдим ниҳоят.

Яратдинг, дунёга бир қанча жонзот,
Улар ичида энг улуғ одамзод.
Яхшилардан қолар, доим яхши от,
Дилозор кимсадан бўлсин оҳу дод!

Ҳаётда ненидир истар ҳар инсон
Барчаси мужассам бўлсин дер ҳар
он.

Баъзида бор бахтин тўзгитар тўзон,
Омадми, қисматми, билмайман,
ҳайрон.

Етса агар, одамзоднинг фаросати,
журъати,
Қизиқтирмас, инсонларнинг
кўриниши, суврати.
Қалбин билмай бермагил таъриф
ҳар хил инсонларга,
Икки дунё бахт берур, яхши бўлса
сийрати.

Молу дунё ҳамда мансаб, аслида руё,
Умрбод сен билан, биргадек гўё,
Ҳар недур омонат, билиб қўй,
дўстим,
Ибодат қил, ажал солмасдан соя.

Эй инсон, кўзинг оч, дунёга чуқурроқ
боқ
Ўйлаб бос қадамингни, қайси бири
яхшироқ.

Тилингиз тойиб, ошкор бўлса-да гар,
Ёрдам беролмас, дуст ва молу
давлат ҳам.

Билмас эдинг, сен дунёга қачон
келишинг,
Ёлгончида қанча муддат бўлишинг.
Барчаси ёлғиз Оллоҳга аён,
Ҳар сониянг ганимат, зарур тоат
қилишинг.

Кундан-кунга ортиб борар
ҳасратхона ташвишлари,
Мансабдорни керилтирар
ҳушомадгўй олқишлари,
Учиб кетса манглайдан иқбол
қуши, бахт қуши
Салом бермас, дўсту ёри, ҳатто
унинг ҳамқилишлоги.

Виждонни йўқотманг, дил беринг
унга,

У ҳалол иш боши, диёнат дўсти
Унни йўқотганлар бир умр сарсон,
У борки, кўринмас киши кам-кўсти.

Бўлса агар ақл ила фаросат,
Яқин келмас, гамгинлигу аросат.
Умринг ўтар, сермазмуну бегубор,
Бахт топарсан, дилинг топмас
жароҳат.

Ҳаёт йўли пасту-баланд, тикан
тош,
Бир-бирингга дўст бўлмасанг,
ичолмассан кескан ош.
Суюқоёқ бўлса агар ой юзли-ю
қаламқош,
Ёшинг ўтар мазмунсиз, дилда гаму,
кўзда ёш.

Билсанг агар дунё бир кам,
Зару симни қилсанг-да жам.
Поклик ила топган молинг,
Исроф этма, сарфла кам-кам.

Қалби поклар афсусланиб, ҳайрон
бўлар.

Қўлдан келса, қилгил доим сахийлик,
Бу оламда бахт келтирар аҳиллик.
Оқ юзингни қора қилур бахиллик,
Эгов бўлур, жонгинангга жоҳиллик.

Гуноҳимни билолмадим, ортиб борар
ташвишим,
Ҳайрон лолман, ёқмадими яратганга
қилмишим.
Бир сония тўхтамай учир умр
қушгинам,
Мадад бергил тангрим менга,
ўнглагин-да ҳар ишим.

Бу дунёда доно бўлса, фарзандинг ва
хотининг,
Дилинг яйрар бир умр, ярим бўлмас
бутунинг.

Ўндан келар ҳар доим, зоҳиринг ҳам
ботининг,
Шухрат билан ном чиқар ўзининг
ҳам отининг.

Яхши бўлса рафиқанг, рўзгоринг сир-
саришта,
Кўча-кўйда ҳам уйда мисли фалак,
фаришта.
Қалби яйрар эрининг, омади бор
ҳар қачон.
Ёмонингни яширар, яхшинг ошар ҳар
ишда.

Яхши билан йўлдош бўлсанг, саҳро
чўлда ошатар,
Ширин сўзлаб ҳам кулиб, бағри
дилинг бўшатар.
Амал қилинг азизлар, бу шунчаки гап
эмас.
Ёмон билан дўст бўлма, заифликда
тош отар.

Гар дўст бўлмоқ истасанг,
суриштиргил аслини,
Шошиб тутма этагин, аниқ билмай
аслини.
Қулоқ тутиб амал қил, ота-бобонг
пандига,
Олиму донишларнинг топажаксан
васлини.

Беҳуда ўтган умр мисоли ёвуз
аждар,
Пул билан тиклай олмас гар бўлса-
да, у мулкдор.
Аслида донодурсан, сен вақт қадрига
етсанг,
Умр оқар дарёдир, буни билмогинг
даркор.

Топилмас матодир, йўқолган
вақтинг,
Гар бўлса гафлатда шоҳдан кетар
тахт.
Илм ва ҳунарга бел боғла мудом.

*Сени тарк этмасин, ҳеч қачон чин
аҳд.*

*Аҳилликда кўндир ҳикмат,
Биргалашиб қилса меҳнат.
Йўли равон қўли баланд,
Топгай доим иззат-ҳурмат.*

*Тўғри йўлга қадам ташла,
Ғарибларнинг кўнглин хушла.
Илм излаш қилсанг одат,
Шунинг ўзи зўр ибодат.*

*Ғолибман деб ҳаддан ошманг,
Ўткинчидир бунинг бари.
Ер юзига ҳоким бўлган
Искандарнинг қани зари?*

*Хабар берар ҳар кун ойнаи жаҳон,
Бир жойда урушу бир жойда тўфон.
Шукур-ла яшайлик, касбимиз деҳқон,
Тинчликни асрасин яратган ҳоқон.*

Ўйин-кулгу авжга чиқар йигит-
қизлар бирлашса,
Оромбахш куйлар чиқар ҳар хил
куйлар бирлашса,
Бир- бирдан меҳри қонар ошиқ
кўзлар бирлашса,
Буюк маъно англагайсан доно сўзлар
бирлашса.

Ўтган умр қайтмагай, ҳоҳласанг
ҳоҳламасанг,
Тогдек мулкинг йўқ бўлур, ўрнига
сарфламасанг.
Яралибсан дунёга, қадрин билгил
яшашнинг,
Дўст-қариндош айришур, вақтида
йўқламасанг.

БИЛМАДИМ

Қайда қолди бегубор ул гўзал ёшлик,
Бу дунёнинг беш кунлигин билмадим.
Болаликда ўйинқароқ бўлиб бебош
Илм ҳунарнинг кераклигин билмадим.

Мол тупладим закотини бермасдан,
Қиёматда илон чаён бўлишини
билмадим.
Кўринганга манмансираб ҳаддан
ошдим чунонам,
Вақт ўтиб яккаланиб қолишимни
билмадим.

Салом берган инсонларнинг алигини
олмадим,
Бир кун келиб, ундан нажот
топишимни билмадим.
Хушомадгўй, лаганбардор, ёлгончини
сийладим,
Вақт пойлаб юракка тиг санчишин
билмадим.

Ҳаддан ошиб, кайфу сафо қилиб
юрдим текин пулга,
Замон келиб, бир чақага зор бўлишим
билмадим,
Дангасалик, ишёқмаслик бўлди
менинг одатим,
Қалбим яра, дилим пора, хор
бўлишим билмадим.

Мақтовлардан учиб юрдим самога,
Бу дунёнинг ёлгонлигин билмадим.
Ружу қўйдим пора билан тамага,
Охиратда куймоқлигим билмадим.

Дил оғритдим оқибатин ўйламайин
мен асло,
Сал учқундан аланганинг чиқишини
билмадим.
Фарқин билмай туз едирдим
нокасларга, номардга,
Тузим татиб, туздонима
тупуришин билмадим.

*Бекорчилик бўлди ўтган умрим-бори,
Оллоҳ берган бу ҳаётнинг қисқалигин
билмадим.
Оқибатда қариндошу ёру дўстлар
унутди,
Ранж дегани аслида ганж эканин
билмадим.*

ИЧКИЛИК ҲАҚИДА

*Ибтидода май дедилар,
Оқибати вой дедилар.
Пайгамбарлар шароб деди,
Ичма ҳолинг хароб деди.
Сўнгра уни хамир деди,
Ичма жонга жабр деди.
Темур бобом чоғир деди.
Икки дунёнг оғир деди,
Ҳозиргилар ароқ деди,
Оқибати сўроқ деди.*

*Ичкиликни менга насиб айлама,
Эй яхшилар, май ҳақида ўйлама,
Қиёматда икки кўзим бойлама,
Қилмишинг деб, жаҳаннамга
тайлама.*

*Авваламбор, соғлигингни кетказар,
Ғафлат ила туну кунинг ўтказар.
Ўйламагил ароқ ишни битказар,
Оқибатда тубанликка етказар.*

Қирққа етмай ҳаловатинг кетади,
Ҳаддан ошсанг, кенг ўлкага элтади.
Душманларинг чақа пулга сотади,
Қадрин билгил, умр тезда ўтади.

Мардлар жангда ном қозонар яроқ
билан,
Бободехқон шуҳрат топди ўроқ
билан,
Обрў топар қози калон сўроқ билан,
Йиқилгайдир тахтидан шоҳ ароқ
билан.
Ароқ ичмай яшаб ўтгин мароқ билан.

Мундарижа

Тўртликлар	3
Истиқлол ҳақида	19
Ватан ҳақида	21
Илҳом келар	25
Буюк галабанинг эллик йиллиги ҳақида	27
Нон ҳақида	28
Ёшларга насиҳат	29
Кўрдим	32
Ҳайронман	35
Билмадим	53
Ичкилик ҳақида	57

Адабий – бадний нашр
Раҳматулла Худойбердиев

Умр ўгитлари

Шеърлар

Ўзбек тилида

Мухаррир: З. Омонова.

Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов.

Мусахҳиҳ: З.Омонова.

ИБ 1015

Теришга 4.04.2006 йилда берилди.
Босишга 10.04.2006 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Шартли босма
табоғи 1,68. Шартли бўёқ-оттиск 1,74.
нашр босма табоғи 1,25.18-2006
Шартнома. 300 нусхада. Эркин нархда.

“Насаф” нашриёти, 730018, Қарши
шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қарши Давлат университети кичик
босмахонасида босилди.
Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй.